

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЯКУБОВ УМИДЖОН РАХИМОВИЧ

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

**Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) экономических
наук**

Contents of dissertation abstract of the doctor (DSc) in economic sciences

Матякубов Умиджон Рахимович

Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методологик йўналишларини такомиллаштириш3

Матякубов Умиджон Рахимович

Совершенствование организационно-экономических и методологических направлений развития туризма в регионе Приаралье33

Matyakubov Umidjon Raximovich

Improving the organizational, economic and methodological directions of the development of tourism in the Aral Sea region63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works67

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЯКУБОВ УМИДЖОН РАХИМОВИЧ

**ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/Iqt211 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида (www.sics.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Наврўз-зода Бахтиёр Негматович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тухлиев Искандар Суюнович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Эштаев Алишер Абдуганиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 220200, Урганч ш., Х.Олимжон кўчаси-14. Тел.: (998-62) 224-67-00; факс: (998-62)224-57-00; e-mail: info@urdu.uz.)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220200, Урганч ш., Х. Олимжон кўчаси -14.. Тел.: (998-62)224-67-00; факс: (998-62)224-57-00; e-mail: arm@urdu.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

И.С.Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Ш.Б.Рузметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н. доцент

Б.Рузметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

Кириш (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда туризм соҳаси иқтисодиётнинг юқори даромадли тармоқларидан бири бўлиб, халқаро ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгалламоқда. Айниқса, ҳозирги глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир пайтда туризм хорижий валюта тушумлари кўпайиши ва аҳолининг бандлик даражасини ошишини таъминлайди. 2021 йил натижаларига кўра “туризмда кўрсатилган хизматлар дунё ЯИМни 6,1 %ни ташкил қилиб, 1,1 трлн.АҚШ долларига етган, шунингдек соҳада банд бўлганлар сони 289 млн.нафарни ташкил қилиб, 11 иш ўрнидан биттаси туризмга тегишли”¹. Инновацион иқтисодиёт шароитида туризм соҳаси нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган соҳа сифатида соҳани ривожлантириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда глобаллашув шароитида туризм соҳасининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари аниқлаш, соҳани иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда замонавий ёндошувлар асосида туристик ҳудудлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу жиҳадан, минтақаларда туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари ва методологик ёндошувларини ишлаб чиқиш, туризм хизматлари бозорида сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, агро-этно-қишлоқ туризми фаолиятини самарали ташкил қилишда қишлоқ туристик кластерларини шакллантириш, табиий ҳудудларда экологик туризмни ривожлантириш устувор йўналишларини аниқлаш, туризм маршрутларни ишлаб чиқишда инновациялардан самарали фойдаланиш ҳамда минтақа туризм соҳаси кўрсаткичларини кўп омилли эконометрик моделлар ёрдамида прогноз қилиш бўйича илмий тадқиқотлар устувор йўналишлар сифатида қаралмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида мамлакат иқтисодиётининг устувор тармоқлари сифатида туризмни жадал ривожлантириш асосий мақсад сифатида белгиланган. 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Орол бўйида экотуризмни ривожлантириш ҳамда Хоразм вилоятида туризм янги иш ўринларини яратишда асосий драйвер соҳа бўлиши учун алоҳида дастур қабул қилиш² муҳим вазифалар сифатида илгари сурилган. Ушбу вазифаларни самарали бажарилиши Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методологик йўналишларини такомиллаштириш, туризм хизматлар бозорида сайёҳлик ташкилотларининг виртуал ассоциациясини яратиш, археологик, этнографик ҳамда агротуризмни ривожлантириш мақсадида қишлоқ туристик кластерларини ташкил қилишнинг кўп тармоқли универсал моделини ишлаб чиқиш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда экотуризм халқаларини ташкил қилиш, қадимий қалъалар негизида smart археологик туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, туризм соҳаси

¹ Манба: [Travel & Tourism Economic Impact | World Travel & Tourism Council \(WTTC\)](#)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони.

кўрсаткичларини кўп омилли эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштиришни тақоза қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сон “2017 - 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2953-сон “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги 37-сон “Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 13 февралдаги 119-сон “2019-2020 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 14 июндаги 369-сон “2021-2022 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш-ининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий, инновацион ва методологик йўналишларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг нуфузли илмий марказлари ва олий таълим муассасалари Harvard University, Purdue University, Florida International University (АҚШ), Surrey University, Bouremouth University (Буюк Британия), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), University of Padua, University of Florence (Италия), University of Queensland (Австралия), М.Б.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, «Ипак Йўли» халқаро туризм университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Бухоро давлат университети, Урганч давлат университети (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Harvard University, Purdue University, Florida International University (АҚШ), Surrey University, Bouremouth University (Буюк Британия), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), University of Padua, University of Florence (Италия), University of Queensland (Австралия), М.Б.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, «Ипак Йўли» халқаро туризм университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Бухоро давлат университети, Урганч давлат университети веб-саҳифалари ва бошқа манбалар асосида ёритилган

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методологик йўналишларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: глобаллашув шароитида минтакаларда туризмини ривожлантиришда инновацион инфратузилмани шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва экологик тизими такомиллаштирилган (Purdue University, Florida International University, АҚШ); туризм соҳасига инновациялар жорий қилиш ва соҳани рақамлаштириш билан боғлиқ ташкилий-бошқарув фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий усулбий тавсиялар ишлаб чиқилган (Surrey University, Bouremouth University, Буюк Британия); қишлоқ туристик кластерларини шакллантириш услубияти кўп тармоқли универсал модели асосида такомиллаштирилган (University of Padua, University of Florence, Италия); туризм инфратузилмаларини давлат-хусусий шерикчилик механизмлари асосида такомиллаштирилган (М.Б.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Россия); туризм соҳасини ривожлантиришни интеграциялашувини такомиллаштиришда туристик маҳсулотларни диверсификациялаш механизмлари ишлаб чиқилган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Ўзбекистон).

Дунёда туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методологик йўналишларни такомиллаштириш бўйича, жумладан, куйидаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: туризмни инновацион ривожлантириш орқали туристлар оқимини кўпайтиришнинг оптимал усуллари ишлаб чиқилган (Урганч Давлат университети, Ўзбекистон) ва бошқлар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методологик йўналишларини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатларда бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Жумладан, хорижий олимларидан Л.Дуайер, П. Форсайт, А.Папатеодору, М.Касим, Х.Айдын, С. Майкл Холл, Д.Лезли, А.Матиас, П.Нийкамп, М.Сарменто, Д. Бухалис, М.Зог, Х.Кэти, У.Гартнер ⁴ каби олимларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги олимларнинг илмий тадқиқотларида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методологик йўналишлари илмий ва назарий жиҳатдан ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан В.С.Боголюбов, В.Г.Гуляев, Я.В.Драчева, С.В.Лазовская, А.Б.Здоров,

⁴ L.Dwyer, P. Forsyth, A.Papatheodorou. Economics of Tourism published by Goodfellow Publishers Limited Wood Eaton, Oxford, OX3 9TJ. Publishers Ltd 2011.; M.Kasimoğlu, H.Aydin. Strategies for tourism industry – micro and macro perspectives. Published by InTech Janeza Trdine 9, 51000 Rijeka, Croatia, Copyright © 2012 InTech; C.Michael Hall, Tourism planning : policies, processes and relationships / C. Michael Hall.— 2nd ed. © Pearson Education 2008., D.Leslie. Tourism enterprise : developments, management and sustainability. Includes bibliographical references and index. ISBN 978-1-78064-356-4; London UK, © D. Leslie 2015.; A.Matias, P. Nijkamp, M.Sarmento. Quantitative Methods in Tourism Economics. ISBN 978-3-7908-2878-8 ISBN 978-3-7908-2879-5 (eBook) DOI 10.1007/978-3-7908-2879-5 Springer Heidelberg New York Dordrecht, 2013.; Buhalis D, Zoge M (2007) The strategic impact of the internet on the tourism industry. In: Information and communication technologies in tourism 2007, Proceedings of the international conference in Ljubljana, Springer eBook.; Cathy H.C. Hsu, C.Gartner. The routledge handbook of Tourism Research. 2017 by Routledge 472 Pages 34 B/W Illustrations

М.А.Морозов, М.Н.Забоева, Т.А.Лаврова, М.Ш.Валиев, А.Г.Соколов, С.А. Севастьянова, А.Г.Соколова, Д.Н.Пановалар ўз илмий ишларида минтақа туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ва методологик асосларини такомиллаштириш масалаларини чуқур тадқиқ қилганлар⁵.

Мамлакатимиз туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методологик жиҳатлари Қ.Х.Абдурахмонов, М.Қ.Пардаев, Ғ.Қудратов, Н.Тухлиев, И.С.Тухлиев, Б.Ш.Сафаров, М.Т.Алимова, О.Х.Ҳамидов, А.А.Эштаев, М.Алиева, А.Т.Мирзаев, А.Норчаев, Н.С.Ибрагимов, А.К.Алымов, Ж.Н.Абиев, Б.Д.Олланазаров, Д.Ў.Бекжанов ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида атрафлича ёритилган⁶.

Аммо, юқорида тилга олинган олимлар изланишларида мамлакатимиз иқтисодиётида туризм соҳасини ривожлантириш масалалари кенг ёритиб берилишига қарамасдан, бугунги кунда экологик инқирозли ҳолат вужудга келган Оролбўйи минтақасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-

⁵ Боголюбов В.С. Экономика туризма. – М., Академия.-2005.-300 с.; Гуляев В.Г. Туризм: экономика управления, устойчивое развитие: учебник. - М.: Советский спорт, 2008- 279 с.; Драчева Я.В., Лазовская С.В. Экономика туризма. Учебное пособие. Краснодар, Южный институт менеджмента, 2012.; Здоров А.Б. Экономика туризма. М., Финансы и статистика. -2007. – 272 с.; Морозов М.А. Экономика туризма: учебник /М.А.Морозов., Н.С.Морозова, Г.А.Карпова, Л.В.Хорева.-М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. -320 с.; Забоева М.Н. Эффективное использование регионального туристского потенциала: теория, методология и практика. – Дис. д-ра экон.наук: 08.00.05: Нижний Новгород, 2011.; Валиев М.Ш. Организационно-экономические основы развития регионального туризма в рыночной экономике // авто. Дисс.на соискание ученой степени кандидата экономических наук: 08.00.05: Москва, 2004.; Соколов А.Г. Теоретические аспекты методологии управления развитием экономических систем / Вестник Национальной академии туризма, №4 (8), октябрь-декабрь 2008 г. с. 56-61.; Севастьянова С.А. Методологические основы развития и системного управления туризмом в регионе. М.: Гардарики, 2005. 238 с.; Панова Д.Н., Колесников А.М. Совершенствование организационно-экономического механизма формирования комплексной системы информационного обеспечения туристской индустрии. Монография - СПб.: Издательство СЗТУ, 2009. - 142 с.

⁶Абдурахмонов К.Х. Менеджмент туризма: Учебное пособие. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им.Г.В.Плеханова” в г. Ташкенте, 2013.-248с.Тўхлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. -Т.: Гос. Науч. Изд. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2006. - 386 с; Пардаев М., Атабаев Р. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2006.- 74 б.; Тухлиев И. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2010. -271 б., Тўхлиев И., Қудратов Ғ., Пардаев М. Туризмни режалаштириш. Дарслик. Т.: "Иқтисод ва молия" 2008.- 262 б.; Б.Сафаров Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. - Самарқанд, 2016; Алимова М. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. И.ф.д. дисс. автореф. - Самарқанд, 2017; Ҳамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмни такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. - Самарқанд, 2017; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). DSc. диссертация автореферати – Самарқанд. 2019.; Алиев М.Т. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлари соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида). DSc. диссертация автореферати – Самарқанд. 2019.; Мирзаев А.Т. Ўзбекистонда туристик-рекреация фаолиятини бошқариш методологиясини такомиллаштириш. DSc. диссертация автореферати – Тошкент, 2021.; Норчаев А.Н. Замонавий туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари. DSc. диссертация автореферати – Тошкент, 2021.; Н.С.Ибрагимов. Туристтик худуд барқарор рақобатбардошлигига эришишнинг илмий асослари. DSc. диссертация автореферати – Самарқанд, 2021.; Алымов А. Қорақалпоғистон Республикасида экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари// иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд СамИСИ, 2018. – 54 б.; Абиев Ж. Миллий иқтисодиётда туризм тармоғини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш // иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд СамИСИ, 2019. – 60 б. Олланазаров Б.Д. (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф. Самарқанд, 2019; Туристтик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш стратегияси ва устувор йўналишлари. Бекжанов Д.Ў. Инновацион ёндашувлар асосида туристик дестинация рақобатбардошлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш. (Ph.D) фалсафа доктори.дисс.автореф Урганч, 2021

иқтисодий йўналишлари ва методологик ёндошувларини такомиллаштириш, туризм хизматлари бозорида сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, агротуризм, этнотуризм ва қишлоқ туризмни ривожлантиришда қишлоқ туристик кластерларини шакллантириш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда экологик туризм халқаларини ишлаб чиқиш, smart археологик туризм йўналишларини ишлаб чиқиш, туризм соҳаси кўрсаткичларини кўп омилли эконометрик моделлар ёрдамида прогноз қилиш ҳамда туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш орқали соҳани барқарор ривожлантиришда ички имкониятларидан фойдаланиш истиқболларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-201709202-сон “Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари ва методологик ёндашувларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Оролбўйи минтақасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари ва концептуал йўналишларини очиб бериш;

Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

Оролбўйи минтақасида туристик корхоналарни инновацион стратегик ривожлантиришнинг SPACE – таҳлил қилиш;

COVID-19 пандемияси шароитида Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантириш имкониятларини тадқиқ қилиш;

Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчиликнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш;

Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришда экотуризм имкониятлари ва экологик менежмент тизимидан фойдаланиш механизмларини очиб бериш;

Оролбўйи минтақаси қишлоқ туризмни ривожлантиришда қишлоқ туристик кластерларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

Оролбўйи минтақаси туризмни ривожлантиришда ижтимоий медиа технологияларидан фойдаланиш йўллари очиб бериш;

Оролбўйи минтақасида туризм соҳаси кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлашни амалга ошириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Оролбўйи минтақасида фаолият кўрсатаётган туристик корхона ва ташкилотлар фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини Оролбўйи минтақасида туризмни барқарор ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари сифатида илмий ишда мантиқий таҳлил, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, эксперт баҳолаш усули, статистик таҳлил, анкета сўровнома, SPACE-таҳлил, SWOT-таҳлил, статистик гуруҳлаш ҳамда эконометрик моделлаштириш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Оролбўйи минтақасида туризм хизматлари бозорида ўзаро тажриба алмашишда “ахборот бўшлиқлар”и (information gaps)ни камайтиришни таъминловчи Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сайёҳлик ташкилотларининг виртуал ассоциациясини яратиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида “Гулдирсин” ва Хоразм вилояти Хива туманида “Говук” туристик маҳаллаларида археологик, этнографик ва агротуризмни ривожлантириш мақсадида қишлоқ туристик кластерларини ташкил қилиш асосланиб, унинг кўп тармоқли универсал модели ишлаб чиқилган;

Оролбўйи минтақасида smart археологик туризмни ривожлантириш мақсадида Эллиқалъа, Аязқалъа, Тупроққалъа, Гулдурсинқалъа, Кат қалъа, Ичан қалъа, Қалажиқ қалъа, Сулаймон қалъа, Тошқалъа туристик объектларини ўз ичига олган “Қадимий Хоразм пойтахтлари олтин ҳалқаси” туристик маршрутинини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Оролбўйи минтақасига сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида “Қуйи Амударё давлат биосфера резервати” ва “Хоразм миллий табиат боғи”ларида экологик жиҳатдан тоза санитария гигиена шахобчалари, гастрономик туризмни шакллантирувчи овқатланиш корхоналари, дам олиш боғлари, сувенир дўконлари, ҳайвонот боғлари, табиат музейлари инфратузилмаларини ўз ичига олган “Badaytoqay EcoRing” ва “Khorezm EcoRing” экотуризм халқаларини ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Оролбўйи минтақасида туристлар оқими ва туристик хизматлар ҳажми кўрсаткичларини 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари кўп омилли эконометрик омиллар асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

замонавий инновацион ёндошувлар асосида Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари давлат-хусусий шерикчилик имкониятидан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилган;

хусусий, давлат сектори ва университет ўртасидаги уч томонлама ҳамкорлик модели асосида Оролбўйи минтақасининг туристик имиджи жозибadorлигини ошириш стратегиясини ижтимоий медиа тармоқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш йўллари асосланган;

Оролбўйи минтақасида меҳмонхоналарининг атроф-муҳитга иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан фойдали бўладиган фаолиятини шакллантирадиган бошқарув тизимини экологик омилларни кўшиб интеграциялашган модели такомиллаштирилган;

Оролбўйи минтақасининг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларининг туристик жозибадорлигини янада ошириш ҳамда туризм соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида давлат-хусусий шерикликнинг такомиллаштирилган модели ишлаб чиқилган;

Оролбўйи минтақаси табиий ёдгорлиқ ҳудудларида эко-мини меҳмонхоналар, экологик жиҳатдан тоза санитария гигиена шахобчалари, гастрономик туризмни шакллантирувчи овқатланиш корхоналари, дам олиш боғлари, велосипед йўлакчаларини ташкил қилиш асосида экотуризм халқаларини ташкил қилиш йўллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ахборотлар базасининг расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, Туризм ва спорт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бошқармалари манбаларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тадқиқ қилишнинг методологик аппаратини туристик имидж ва жозибадорликни ошириш хусусиятларидан келиб чиқиб, инновация шароитида соҳани барқарор ривожлантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган назарий тавсиялардан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертациядан олинган натижалар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантириш, туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш орқали ички имкониятларидан фойдаланиш, минтақа туристик имиджи жозибадорлиги стратегиясини шакллантириш, қишлоқ ҳудудларида маҳаллий аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, янги ишчи ўринларини яратиш, истиқболда Оролбўйи минтақаси туризмни мақсадли ривожлантиришнинг дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, олий ўқув юртлирида тайёрланаётган мутахассисларга “Туризмни режалаштириш”, “Туризм иқтисодиёти ва менежменти”, “Туризм инфратузилмаси”, “Туризм: назария ва амалиёт”, “Туризмда инновация”, “Меҳмонхона менежменти” каби фанларнинг ўқув дастурлари, дарслик, ўқув-услугий қўлланмаларни такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методологик йўналишларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар амалиётга жорий қилинган жумладан:

Оролбўйи минтақасида туризм хизматлари бозорида ўзаро тажриба алмашишда “ахборот бўшлиқлар”и (information gaps)ни камайтиришни таъминловчи Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сайёҳлик

ташкilotларининг виртуал ассоциациясини яратиш бўйича таклиф Хоразм вилоят ҳокимининг 2021 йил 21 августдаги “2021-2022 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 83-12-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 28 январдаги 03-17-01/841-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий қилиниши минтақа туристик корхоналари фаолияти самарадорлиги ўрта ҳисобда 4-6 фоизга ошириш имкони яратилган;

Элликқалъа туманида “Гулдирсин” ва Хива туманида “Ғовук” туристик маҳаллаларида археологик, этнографик ҳамда агротуризмни ривожлантириш мақсадида қишлоқ туристик кластерларини ташкил қилишнинг кўп тармоқли универсал модели бўйича берилган таклиф Хоразм вилоят ҳокимининг 2021 йил 21 августдаги “2021-2022 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 83-12-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 28 январдаги 03-17-01/841-сон маълумотномаси). Натижада, кластер таркибига кирувчи туризм инфратузилмаси корхоналари сонини 8-10 фоизга ва ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини 10-15 фоизга ошириш имконияти яратилган;

Оролбўйи минтақасида smart археологик туризмни ривожлантириш мақсадида, Элликқалъа, Аязқалъа, Тупроққалъа, Гулдурсинқалъа, Кат қалъа, Ичан қалъа, Қалажик қалъа, Сулаймон қалъа, Тошқалъа туристик объектларини ўз ичига олган “Қадимий Хоразм пойтахтлари олтин ҳалқаси” туристик маршрутини ишлаб чиқиш бўйича таклиф Хоразм вилоят ҳокимининг 2022 йил 28 майдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-12-0-Q/22-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 28 январдаги 03-17-01/841-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни жорий қилиниши натижасида минтақага ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар сонини 10-15 фоизга ошириш имконини берган;

Оролбўйи минтақасига сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида “Қуйи Амударё давлат биосфера резервати” ва “Хоразм миллий табиат боғи”ларида экологик жиҳатдан тоза санитария гигиена шахобчалари, гастрономик туризмни шакллантирувчи овқатланиш корхоналари, дам олиш боғлари, сувенир дўконлари, ҳайвонот боғлари, табиат музейлари инфратузилмаларини ўз ичига олган “Badaytoqay EcoRing” ва “Khorezm EcoRing” экотуризм халқаларини ташкил қилиш бўйича таклиф Хоразм вилоят ҳокимининг 2022 йил 28 майдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 250-12-0-Q/22-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 28 январдаги 03-17-01/841-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий қилиниши натижасида минтақага ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар сонини 20-25 фоизгача, туризм инфратузилмаси корхоналар сонини 5-7 фоизга ошириш ҳамда қишлоқ жойларида 200 нафардан зиёд янги иш ўринларни яратиш имконини берган;

Оролбўйи минтақасида туристлар оқими ва туристик хизматлар ҳажми кўрсаткичларини кўп омилли эконометрик омиллар ёрдамида 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари ишлаб чиқиши бўйича таклиф Хоразм вилоят ҳокимининг 2021 йил 21 августдаги “2021-2022 йилларда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 83-12-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Туризм ва спорт вазирлигининг 2022 йил 28 январдаги 03-17-01/841-сон маълумотномаси). Мазкур модел натижаларидан минтақада туризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, шу жумладан, 1 та яккамуаллифликда монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 244 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари**» деб номланиб, унда Минтақа туризмни стратегик тармоқ сифатида ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва моҳияти, миллий иқтисодиётни стратегик ривожлантириш ва унинг Оролбўйи минтақасидаги ўзига хос хусусиятлари, Оролбўйи минтақасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ва концептуал йўналишлари тадқиқ қилинган. Ушбу боб бўйича хулосалар берилган.

Оролбўйи минтақаси таркибига Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятлари кириб, юқори туристик салоҳиятга эга. Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизнинг шимоли-ғарбида, Орол денгизининг жанубий қисмида, Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг шимолий ғарбида, Амударё қуйи оқимининг чап соҳилида жойлашган бўлиб, шимолий ва шимолий шарқдан Қорақалпоғистон Республикаси, жанубий ва жанубий ғарбдан Туркманистон, жанубий шарқдан Бухоро вилояти билан чегарадош ҳисобланади.

Оролбўйи минтақаси мамлакатимизнинг тарихий-маданий мерос объектларига бой ҳамда ўзига хос табиий иқлим шароитига эга, туризм соҳаси ривожланаётган масканлардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида 245та тарихий-маданий мерос объектлари давлат муҳофазаси рўйхатига олинган бўлиб, шундан 46таси тарихий-меъморий, 118таси тарихий-археологик, 81таси тарихий-маданий монументал ёдгорликлар ҳисобланади. Шунингдек, Хоразм вилоятида 255дан ортиқ маданий мерос ёдгорликлари мавжуд бўлиб, улардан 18 таси археология, 132 таси меъморчилик, 67 таси ҳайкалторошлик ёдгорликлари, 6 таси диққатга сазовор жойлар ва 32 таси муқаддас қадамжойлардир. Бу ноёб туристик ресурслар, асосан, вилоятнинг Хива ва Урганч шаҳарларида жойлашган.

Мамлакатамизнинг Оролбўйи минтақаси туризм инфратузилмаларининг ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши натижасида жойлаштириш воситалари, туроператорлар, туристик синфга мансуб автотранспортлар, гид-таржимонлар сонини ўсиш тенденциясини кузатиш мумкин (1-жадвал).


1-жадвал

Оролбўйи минтақаси туризм инфратузилмасининг ривожланиш динамикаси⁷

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Қорақалпоғистон Республикаси						
Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари <i>сони</i>	44	47	38	47	63	85
Туроператорлар <i>сони</i>	4	3	6	26	34	44
Туристтик синфга мансуб автотранспортлар <i>сони</i>	2	2	17	53	61	82
Гид экскурсоводлар <i>сони</i>	10	15	16	17	25	28
Хоразм вилояти						
Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари <i>сони</i>	46	53	69	162	148	152
Туроператорлар <i>сони</i>	20	22	34	62	58	61
Туристтик синфга мансуб автотранспортлар <i>сони</i>	18	21	34	133	293	303
Гид экскурсоводлар <i>сони</i>	66	89	103	138	114	120

Тадқиқот жараёнида замонавий инновацион ёндошувлар асосида туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, минтақада туризм соҳасини ўсиш омилларини аниқлаш, минтақада кичик туристик зоналар, туризм кластерлари ва бошқалар оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, туризм соҳасига рақамли иқтисодиёт, блокчэйн технологияларини тадбиқ қилиш, туризм бизнесини қўллаб-қувватловчи молиявий механизмларни амалга оширишга қаратилган Оролбўйи минтақасига хос бўлган туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари таклиф қилинди (1-расм).

⁷ Манба: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти туризм ва спорт бошқармалари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.



1-расм. Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари ⁸

Тадқиқот ишининг «Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий йўналишларини ҳозирги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили, минтақа туристик корхоналарини инновацион стратегик ривожлантиришнинг SPACE – таҳлили амалга оширилган ҳамда COVID-19 пандемияси шароитида минтақада туризмни ривожлантириш имкониятлари тадқиқ қилинган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Оролбўйи минтақасига ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2020 йилда COVID-19

⁸ Манба: муаллиф ишланмаси

пандемияси таъсири натижасида Оролбўйи минтақасига ташриф буюрадиган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар сони камайган. Аммо, ҳукумат томонидан пандемия ва ундан кейинги даврда туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2021 йилда минтақага ташриф буюраётган туристлар сонини ошганлигини кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

2015-2021 йилларда Оролбўйи минтақасига ташриф буюрган сайёҳлар сонининг ўзгариш динамикаси⁹

Йиллар	Хоразм вилояти		Қорақалпоғистон Республикаси		Жами
	Хорижий сайёҳлар	Маҳаллий сайёҳлар	Хорижий сайёҳлар	Маҳаллий сайёҳлар	
2015	40 600	22 800	5100	6400	74900
2016	46 614	708 229	6271	7064	769178
2017	60 600	1 100 000	8246	7439	1176385
2018	123 210	530 455	82 046	347 000	770411
2019	420 828	2 225 769	100 411	551 000	3298008
2020	23050	337 450	3000	40000	403500
2021	39805	1254737	24600	284400	1603542

Тадқиқот ишининг “Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришда методологик ёндошувлар” деб номланган учинчи бобида Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришда стратегик режалаштиришнинг методологик асослари, Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг тизимли таҳлили ҳамда минтақада туризмни ривожлантиришда давлат-хусусий шерикчиликнинг концептуал модели ишлаб чиқилган. Ушбу боб бўйича хулосалар берилган.

Тадқиқот жараёнида Оролбўйи минтақасининг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларининг туристик жозибадорлигини янада ошириш ҳамда туризм соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилиш мақсадида келишув расмийчилиги, аниқ мақсадлар белгиланиши, ташкилий тузилма, лидерлик, мослашувчанлик, ижтимоий тармоқлар ва ҳамкорлик самарадорлиги каби таъсир этувчи омилларга асосланган давлат-хусусий шерикчиликнинг концептуал модели ишлаб чиқилди.

ДХШнинг мазкур концептуал модели асосида Оролбўйи минтақасида қуйидаги йўналишларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги асосланган:

1. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйнақ туманида “Сафари трассаси”, “Rally Muynak” мусобоқалари, халқаро гастрономик фестиваллар, хунармандлар аллеясини ташкил қилиш;

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа туманидаги Тупроққалъа, Аёзқалъа, Катта Гулдурсин қалъа тарихий обидалар атрофида туристик ахборот марказлари, сувенир дўконлари, савдо расталарини ташкил қилиш;

⁹Манба: Жадвал маълумотлари Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманидаги Ақчақўл атрофида пляжлар, овқатланиш корхоналари, қайиқ ижараси, қутқарув хизматларини ташкил қилиш;

4. Қорақалпоғистон Республикасининг “Қуйи Амударё давлат биосфера резерват”и ва Хоразм вилоятининг “Хоразм миллий табиат боғи”ларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўзида ақс эттиридиган, инновацион технологияларга асосланган табиатшунослик музейлари ҳамда экологик жихатдан тоза санитария-гигиена шаҳобчаларини ташкил қилиш;

5. Хоразм вилоятининг Боғот тумани “Қалажиқ қалъа”си, Хазарасп тумани “Сулаймон қалъа”лари негизида концерт ва томоша дастурларига мўлжалланган амфитеатрлар қуриш, умумий овқатланиш шаҳобчалари, хунармандлар расталарини ва савдо дўконларини ташкил қилган ҳолда анъанавий шарқ бозорини ташкил қилиш;

Диссетарциянинг **“Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг инновацион йўналишлари”** деб номланган тўртинчи бобида Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришда ахборот ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари, экотуризм имкониятлари ва экологик менежмент тизимидан фойдаланиш механизмлари, қишлоқ туризмни ривожлантиришда қишлоқ туристик кластерларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, очиб берилган. Ушбу боб бўйича хулосалар берилган.

Оролбўйи минтақаси туризм индустриясига ахборот ва инновацион технологияларни тадбиқ этиш соҳанинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. Тадқиқот давомида Оролбўйи минтақасида туризм хизматлари бозорида ўзаро тажриба алмашишда “ахборот бўшлиқлар”и (information gaps)ни камайтиришни таъминловчи Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сайёҳлик ташкилотларининг виртуал ассоциациясини яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқилди (2-расм).

Оролбўйи минтақасида туризм ташкилотларининг виртуал ассоциациясини ташкил қилиниши қуйидагиларни таъминлайди:

- минтақада туризмни барқарор ривожлантириш мақсадида туризм субъектлари, давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органлари, таълим ва илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг яқин ҳамкорликда фаолиятини ташкил қилиш;

- маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг туристик хизматлардан фойдаланишга қизиқиши учун қулай шароит яратиш;

- минтақанинг туризмни инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилади;

- минтақа туристик маҳсулотини халқаро миқёсда самарали тарғиб қилиш;

- инновацион фаолият билан шуғулланувчи туристик корхоналарда истеъмолчилар ўртасида ижобий имиджни шакллантириш;

- минтақа таълим муассасаларида туризм соҳаси мутахассисларини тайёрлаш бўйича амалиётлар базасини кенгайтириш ҳамда нафақат назарий билимларни, балки амалий кўникмаларни ҳам шакллантириш, шунингдек, талабаларда туризм тадбиркорлигига ижобий муносабатни шакллантириш;

- туризм фаолияти рентабеллигини ошириш орқали маҳаллий бюджетга тушумларни ошириш;
- туризм соҳасида мутахассисларнинг малакасини, интеллектуал ва илмий салоҳиятини ошириш;
- минтақа маданий меросини сақлаш учун халқаро жамғармаларни жалб қилиш.



2-расм. Оролбўйи минтақаси туристик ташкилотларининг виртуал ассоциацияси¹⁰

Оролбўйи минтақасида экологик туризмни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан “Қуйи Амударё давлат биосфера резервати” ва Хоразм миллий табиат боғлари ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур табиий ҳудудларда 43 турдаги балиқлар, 2 турдаги амфибиялар, 29 турдаги судралиб юрувчилар, 246 турдаги қушлар ва 36 турдаги сут эмизувчилар мавжуд¹¹.

Оролбўйи минтақаси “Хоразм миллий табиат боғи”ида туристик ахборот маркази, экологик жиҳатдан тоза санитария гигиена шахобчалари, экомини меҳмонхоналар, гастрономик туризмни шакллантирувчи овқатланиш корхоналари, дам олиш боғлари, туя ва велосипедда сайр қилиш хизматлари, сувенир дўконлари, ҳайвонот боғлари, табиат музейлари инфратузилмаларини ўз ичига олган “Khorezm EcoRing” экотуризм халқасини ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди (3-расм).

¹⁰ Манба: муаллиф ишлмаси.

¹¹ Манба: Алымов А.К. Развития экотуризма в Республике Каракалпакстан // VI межд.научно-практ.конф. «Экономика. теория и практика». -Саратов. 2016. -С.15-20.



3-расм. “Khorezm EcoRing” ининг экотуризм халқасининг таркибий тузилиши¹²

Шунингдек, тадқиқот жараёнида Оролбўйи минтақасининг “Қуйи Амударё давлат биосфера резервати”ида экологик жиҳатдан тоза СГГ, дам олиш боғлари, сувинер дўконлари, хайвонот боғлари ўз ичига олган “Badaytoqay EcoRing” экотуризм халқасини ташкил қилиш бўйича таклиф ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. “Badaytoqay EcoRing” экотуризм халқасининг таркибий тузилиши¹³

¹² Манба: муаллиф ишланмаси.

¹³ Манба: муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот ишида Оролбўйи минтақасида фаолият кўрсатаётган туризм бизнес корхоналарига экологик менежмент тизими механизмларини тадбиқ қилиш масалалари ўрганилди. Бунинг учун Оролбўйи минтақасида фаолият кўрсатаётган 111 та меҳмонхонанинг 70 таси танлаб олиниб, улар атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш мақсадида анкета-сўровномалари ўтказалди. Анкета-сўровномада иштирок қилган респондентларнинг 57 таси атроф-муҳитни ҳимоя қилишда сувни тежашини, 52 таси энергияни тежашини ҳамда 22 таси бошқа чораларни кўришини билдирган. Шунингдек, 68 та меҳмонхона менежерлари атроф-муҳитни ҳимоя қилишнинг асосий омили сифатида молиявий маблағларнинг муҳим деб ҳисобласа, 17 таси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича экологик билимлар ҳамда 4 таси ўзи бу тўғри ҳаракат эканлигини билдирганлар ҳамда меҳмонхоналарнинг 12 таси (17%) ўзининг фаолиятида қуёш панелларидан фойдаланишини, 58 таси (83%) эса энди қўллаш ниятида эканлигини билдирганлар.

Оролбўйи минтақаси туристик корхоналарининг бозордаги ўрнини яхшилаш, харажатларни камайтириш, муваффақиятли савдо имкониятларига таъсир этувчи экостандартларга мослашиш, атроф-муҳитга нисбатан дўстона муносабатни амалга ошириш ва экологик мезонлар асосида турмаҳсулотлар сифатини баҳолаш омилларини эътиборга олган ҳолда интеграциялашган бошқарув модели ишлаб чиқилди (5-расм).




5-расм. Оролбўйи минтақасида туризм корхоналари бошқарув тизими омилларининг интеграциялашган модели¹⁴

Туризм корхоналари бошқарув тизими омилларининг интеграциялашган моделини амалиётга жорий қилиниши натижасида, Оролбўйи минтақаси туризм инфратузилмаларининг атроф-муҳитга нисбатан салбий таъсири камаяди ва туристик корхоналари фаолияти самарадорлиги ошади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019-2025 йилларда туризмни ривожлантириш Концепциясига мувофиқ, қишлоқ ҳудудларида ягона тузилмага

¹⁴ Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

бириктирилган (қишлоқ туристик кластерлари) агро-этно-қишлоқ шаклидаги модель уюшмаларини барпо этиш вазифалари белгилаб қўйилган. Тадқиқотда Оролбўйи минтақасига мос ядро, шериклик ва ҳамкорлик даражаларини қамраб оладиган Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманида “Тулдирсин” ва Хоразм вилоятининг Хива туманида “Хива-Ғовук” қишлоқ туристик кластерларини ташкил қилишнинг кўп тармоқли универсал модели ишлаб чиқилди (6-расм).



6-расм. Оролбўйи минтақасида қишлоқ туризм кластерининг кўп тармоқли универсал модели¹⁵

Ушбу кўп тармоқли универсал модел моҳиятан учта даражани назарда тутади:

ядро - кластернинг ихтисослашувини (асосий ғоясини) белгилайди ва унинг асосий субъектларини (ферма уйлари, қишлоқ уйлари, агротуризм

¹⁵ Манба: муаллиф ишланмаси.

хизматларини етказиб берувчилар, қишлоқ хўжалиги корхоналари) ҳамда ҳудуднинг туристик йўналишларини (табиий, тарихий, маданий, ижтимоий-иқтисодий) ўз ичига олади. Ушбу даражадаги иштирокчилар ўртасидаги алоқалар агротуризм тармоқларини ривожлантириш, анъанавий озиқ-овқат, маҳаллий агротуристлик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда намоён бўлади;

шерик - кластерда қишлоқ жойларида комплекс туристик хизматларни кўрсатиш шерикчилик тузилмалар томонидан амалга оширилади. Одатда улар кўшимча хизматларни кўрсатадилар (анъанавий ва муқобил транспорт хизматлари, хунармандлар, сувенир ишлаб чиқарувчилар, кўнгилочар тадбирларни ташкил қилиш, фаол туризмга қизиқувчилар учун хизматлар);

ҳамкор - қишлоқ туристик кластерини ривожланишига ҳисса қўшадиган ва унинг хизматларини бозорда тарғиб қилувчи ташкилотлар ва тузилмалар билан боғлиқ бўлган фаолиятни намоён қилади (ўз-ўзини бошқариш ва давлат органлари, илмий-тадқиқот муассасалари, ахборот ва реклама марказлари, инвестиция жамғармалари).

“Хива-Ғовук” қишлоқ туристик кластери. Ушбу туристик кластер шакллантириш учун Хоразм вилояти Хива тумани, Шомоғулул қишлоғининг “Ғовук” маҳалласи танлаб олинган. Ушбу кластернинг мақсади - уй хўжаликларида етиштириладиган анор боғлари, уй меҳмонхоналари, овқатланиш корхоналари, ҳаваскор фольклор жамоалар, миллий хунармандчилик, фаол дам олиш объектлари ҳамкорлиги орқали агротуризм, этно ва реакрацион туризмни ривожлантиришга қаратилган.

“Гулдурсин” қишлоқ туристик кластери. Ушбу туристик кластер шакллантириш учун Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқабла тумани “Гулдурсин” қишлоқ овули танланди. Кластернинг мақсади - қишлоқнинг мева боғлари, уй меҳмонхоналари, овқатланиш корхоналари, ҳаваскор фольклор жамоалар, миллий хунармандчилик, археологик туризм объектлари ҳамкорлиги орқали агротуризм, архео-этнографик туризмни ривожлантиришга қаратилган.

Оролбўйи минтақасининг қишлоқ туристик маҳсулотларини шакллантиришда, уларни ички ва хориж туризм бозорларига олиб чиқиш ва реализация қилишда кўп тармоқли қишлоқ туристик модели муҳим аҳамият касб этади. **“Гулдурсин”** ва **“Хива-Ғовук”** қишлоқ туристик кластерлари, минтақага ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар сонини оширишда, қишлоқ жойларида янги ишчи ўринларини яратиш, қишлоқ аҳолиси даромадини ошириш ҳамда фаравонлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқот ишининг **“Оролбўйи минтақаси туризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўллари”** деб номланган бешинчи бобида минтақада туризмни ривожлантиришда ижтимоий медиа технологияларидан фойдаланиш йўллари, туристик маҳсулотларни диверсификация қилиш орқали соҳани ривожлантиришда ички имкониятлардан фойдаланиш йўналишлари ҳамда туризм соҳаси кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш ва прогноз қилиш масалалари тадқиқ қилинган. Ушбу боб бўйича хулосалар берилган.

Сўнгги йилларда, Оролбўйи минтақасининг археологик туризм объектларига хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг ташрифи ошаётганлиги

кузатилмоқда. Ёши 2500-3000 йиллар атрофида бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган “Аёзқалъа”, “Тупроққалъа”, “Гулдурсунқалъа”, “Қирққизқалъа” ҳамда Хоразм вилоятида жойлашган “Сулаймон қалъа” ва “Қалажиқ қалъа” каби қадимий қалъалар Оролбўйи минтақасининг асосий туристик объектлари рўйхатига киритилга¹⁶. Тадқиқотлар жараёнида, маҳаллий туроператорлар ва сайёҳлар билан мулоқотлар ўтказилиб, тарихий қалъаларни туристик жозибадорлигини smart технологияларни қўллаш асосида аниқлаш мақсадга мувофиқлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Оролбўйи минтақаси археологик туризм объектлари жозибадорлигини аниқлашда smart технологияларни қўллаш устувор йўналишлари¹⁷

№	Археологик туризм объектлари	Жойлашган ҳудуди	Smart технологияларни жорий қилиниши
1.	Аёзқалъа, Туроққалъа, Жанбас қалъа, Гулдурсун қалъа, Қизилқалъа,	Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа тумани	Объектларни интерфаол харита ва буклетларини яратиш, интерактив мониторларни жойлаштириш
2.	Кат қалъа	Хоразм вилояти Шовот тумани	Объектларни интерфаол харита ва буклетларини яратиш, интерактив мониторларни жойлаштириш, smart музейни ташкил қилиш
3.	Ичан қалъа	Хоразм вилояти Хива шаҳри	Объектлар ва тарихий шахсларнинг голограммалаштирилган сиймоларини яратиш, музей экспонатлар ва объектларининг 3D нусхалари яратилиб, онлайн музей платформасига жойлаштириш
4.	Қалажиқ қалъа	Хоразм вилояти Боғот тумани	Объектларни интерфаол харита ва буклетларини яратиш, интерактив мониторларни жойлаштириш
5.	Сулаймон қалъа	Хоразм вилояти Хазарасп тумани	Объектларни интерфаол харита ва буклетларни яратиш, интерактив мониторларни жойлаштириш
6.	Мешиққалъа	Хоразм вилояти Тупроқ қалъа тумани	Объектларни интерфаол харита ва буклетларини яратиш, интерактив мониторларни жойлаштириш

Интерфаол хариталар, буклетлар ҳамда навигаторларни каби ўзи ичига олган технологияларни жорий қилиш орқали Оролбўйи минтақасининг археологик туризм салоҳиятини ошириш имкониятлари кенгайди. Ушбу

¹⁶Манба: Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2953-сонли қарори

¹⁷ Манба: муаллиф ишланмаси

интерфаол хариталар асосида Оролбўйи минтақасидаги тарихий археологик қалъалар учун янги бўлган “Қадимий Хоразм пойтахтларининг олтин ҳалқаси” туристик маршрутини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги асосланди (6-расм).



6-расм. Ишлаб чиқилган “Қадимий Хоразм пойтахтларининг олтин ҳалқаси” туристик маршрути¹⁸

Ишлаб чиқилган туристик маршрутнинг амалга ошириш натижасида хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг Оролбўйи минтақасида қолиш муддати 2 кундан 4 кунга узаяди, шунингдек, маршрут давомида қўшимча овқатлантириш, кўнгилочар хизмат турлари таклиф қилинади.

Диссертацияда давлат, хусусий сектор ва университет ўртасидаги уч томонлама ҳамкорликка асосланган моделга мувофиқ, экспертлар билан ўтказилган сўровлар натижасида Оролбўйи минтақасининг туристик имиджи жозибadorлигини ошириш стратегиясини ижтимоий медиа тармоқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш йўллари кўрсатиб берилган (4-жадвал).

¹⁸ Манба: муаллиф ишланмаси

**Оролбўйи минтақаси туристик имиджини шакллантириш стратегиясини
устувор йўналишлари¹⁹**

№	Устувор йўналишлар	Эришиладиган натижалар	Ижрочилар
1.	Оролбўйи минтақасининг асосий туристик йўналишларини ўзида акс эттирган www.karakalpakstan.travel ҳамда www.travelkhorezm.com веб саҳифаларини жаҳон стандартлари даражасида такомиллаштириш: – Веб саҳифалар мобил алоқада бўлиши ҳамда бошқа мамлакатлардаги туризмни тарғиб қилиш веб саҳифаларига боғланиш учун ҳаволаларга эга бўлиши; – Машҳур инсонларнинг минтақа бўйича ижобий ҳикоялари ва шарҳларини ёзишга имкон берадиган “Оролбўйи минтақаси туризми” блогини яратиш ва юқоридаги веб саҳифаларга боғлаш.	Минтақада туризм йўналишларни тарғиб қилувчи рақамли онлайн платформалар такомиллашади. Веб саҳифалар ҳамда ижти-мой медиани таҳлил қилиш имконияти яратилади	Қорақалпоғистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлиги, Хоразм вилояти туризм ва маданий мерос бош бошқармаси
2.	“Миллий PR-марказ” ДУКнинг Оролбўйи минтақаси бўлимини ташкил қилиш. Мазкур PR-марказнинг асосий вазифалари қилиб қуйидаларни белгилаш: - Оролбўйи минтақасини мамлакат ва халқаро сайёҳлик бозорларида имиджини кўтариш; - Экотизимни муҳофаза қилиш бўйича ташубусларни, жаҳон маданий мероси объектларни сақлашни, турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш билан Оролбўйи минтақаси имиджини кўтариш; - “Ипак йўли” туристик маршрутлари негизда Оролбўйи минтақасининг туристик дестинацияларини Ўзбекистоннинг бошқа туристик марказлари билан боғлаш;	Оролбўйи минтақасининг миллий ва халқаро миқёсда туристик имиджи шаклланади	Қорақалпоғистон Республикаси туризм ва маданий мерос вазирлиги, Хоразм вилояти туризм ва маданий мерос бош бошқармаси
3.	Минтақада туризм соҳасида таълим дастурларини самарали ташкил қилиш: - Минтақа таълим муассасаларининг туризм йўналишида таҳсил олаётган мутахассисларнинг ўқув дастурларига “Туризмда ижтимоий медиа тармоқларидан фойдаланиш”, “Туризмда онлайн маркетинг”, “Туризмда онлайн имиджни бошқариш” ҳамда “Туризмда веб-саҳифа ва электрон почта сифати” каби ўқув фанларини киритиш; - Туризм ва маданий мерос вазирлиги қошидаги Туризмни ривожлантириш институтининг Нукус бўлимини ташкил қилиш	Минтақада туризм соҳаси кадрларнинг салоҳияти ошади	ЎзР ОЎМТВ, Туризм ва маданий мерос вазирлиги

Тадқиқот жараёнида Оролбўйи минтақасида туристик хизматлар ҳажмига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, улар ўртасида ўзаро боғланишлар кўринишини тадқиқ қилиш ҳамда шу асосда келгуси даврларга прогнозлаш масалалари тадқиқ қилинди. Оролбўйи минтақаси туризм соҳасининг кўп омилли эконометрик моделини тузиш учун 2006-2021 йиллар яъни 16 йиллик давр оралиғини қамраб олган қуйидаги кўрсаткичлар натижавий ва таъсир

¹⁹ Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

этувчи омиллар сифатида танлаб олинди: натижавий омил – туристик хизматлар ҳажми, млрд.сўм – (Y), таъсир этувчи омиллар – ташриф буюрган туристлар сони – (X₁), жойлаштириш воситалари сони - (X₂), туристик фаолият олиб бораётган ташкилотлар (туроператорлар) сони - (X₃), гидтаржимонлар сони - (X₄).

Тадқиқот ишида вақтли қаторлар типигаги маълумотларни ўрта муддатли даврга прогнозлашда ARIMA (Autoregressive integrated moving average) моделидан фойдаланилди. Прогнозлашни ARIMA (Autoregressive integrated moving average) яъни “Сирғалувчи ўртачага интеграллашган авторегрессион” моделида (p,d,q) тартиби мавжуд бўлиб, бунда p-авторегрессия параметрини, d-интеграциялаш қисмини, q-сирғалувчи ўртача параметрини ифодалайди. ARIMA моделини умумий кўриниши куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y_t = \alpha + \beta_1 Y_{t-1} + \dots + \beta_p Y_{t-p} + \epsilon_t + \mu_1 \epsilon_{t-1} + \dots + \mu_q \epsilon_{t-q} \quad (1.1)$$

ARIMA (Autoregressive integrated moving average) моделида прогнозлаш учун даставвал минтақа туризм соҳаси кўрсаткичларининг ҳар бири учун ARIMA модели шакллантирилди.

Мавжуд статистик маълумотлар асосида олиб борилган ҳисоб – китоб натижалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси туризм соҳасининг асосий кўрсаткичларини прогнозлашга асосланган “ARIMA” моделлари шакллантирилди (5-жадвал).

5-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида туристик хизматлар ҳажми ҳамда туристлар оқими кўрсаткичларини прогнозлашга асосланган “ARIMA” моделлари натижалари

Dependent Variable: D[Ln(Y ^{QR}), 1]				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
C	0,464671	0,228044	2,03763747	0.0288
AR(1)	-0,079385	0,032997	-2,4058248	0.0399
MA(1)	-0,10367	0,019945	-5,1977939	0.0176
R-squared	83.5353	Mean dependent var		0.473500
Adjusted R-squared	82.7732	S.D. dependent var		0.785663
S.E. of regression	0.870539	Akaike info criterion		2.786004
Sum squared resid	8.336211	Schwarz criterion		2.974817
Log likelihood	-16.89503	Hannan-Quinn criter.		2.783992
F-statistic	0.134379	Durbin-Watson stat		2.002957
Dependent Variable: D[Ln(X ₁ ^{QR}), 2]				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
C	0,014545	0,006193	2,34861941	0.0262
AR(1)	-0,263224	0,125251	-2,101572	0.0419
MA(1)	-0,854321	0,423245	-2,0185023	0.0346
R-squared	85.0104	Mean dependent var		0.126594
Adjusted R-squared	84.5135	S.D. dependent var		3.023854
S.E. of regression	2.039399	Akaike info criterion		4.728073
Sum squared resid	41.59148	Schwarz criterion		4.910661
Log likelihood	-29.09651	Hannan-Quinn criter.		4.711171
F-statistic	6.193297	Durbin-Watson stat		2.323680

5-жадвалдаги детерминация коэффициентлари, стандарт хатоликлар, F-Фишер, t-Стюдентъ, Акайке, Шварц мезонлари кўрсаткичлари шакллантирилган моделларнинг барчасини статистик жиҳатдан аҳамиятли ва адекватлигини ифодалади. Юқорида шакллантирилган моделлар асосида Қорақалпоғистон Республикаси туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари 6-7 жадвалларда келтирилган.

6-жадвал

ARIMA (1, 1, 1) кўринишига эга бўлган модели асосида Қорақалпоғистон Республикасида туристик хизматлар ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари²⁰

Йиллар	Прогноз қийматлари (млн.сўм)	Стандарт хатолик	95% ишонч оралиғи	Олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати (%да)
2022	34926.1	96,33	(34733; 35119)	116
2023	40165.1	37,98	(40089; 40241)	115
2024	45386.5	61,8	(45263; 45510)	113
2025	52194.4	83,97	(52026; 52362)	115
2026	59501.6	116,8	(59268; 59735)	114

6-жадвалда келтирилган прогноз натижаларига кўра Қорақалпоғистон Республикасида туристик хизматлар ҳажми 2026 йилда 59501.6 сўмни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 2.1 баробарга ошиши кузатилган.

7-жадвал

ARIMA (1, 2, 1) кўринишига эга бўлган модели асосида Қорақалпоғистон Республикасида туристлар оқимининг прогноз кўрсаткичлари²¹

Йиллар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95% ишонч оралиғи	Олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати (%да)
2022	351261	19.55	(351223, 351301)	113,67
2023	503210	48.96	(503112, 503308)	143,25
2024	744168	236.89	(743694, 744642)	147,88
2025	1158436	1160.89	(1156116, 1160758)	155,66
2026	1812128	6937.33	(1798253, 1826003)	156,42

7-жадвалда келтирилган прогноз натижаларига Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрадиган туристлар сони 2026 йилга бориб, 1812128 нафарни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 5,9 баробарга ошиши кузатилган.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида Хоразм вилояти учун ҳам туризм соҳасининг асосий кўрсаткичларини прогнозлашга асосланган “ARIMA” моделлари шакллантирилди (8-жадвал).

²⁰ Манба: муаллиф ишланмаси.

²¹ Манба: муаллиф ишланмаси.

**Хоразм вилояти туристик хизматлар ҳажми ҳамда туристлар оқими
кўрсаткичларини прогнозлашга асосланган “ARIMA” моделлари
натижалари**

Dependent Variable: $D[\ln(Y^{XV}), 1]$				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
C	0.223632	0.068393	3.26980831	0.0067
MA(1)	-0.889999	0.093213	-9.5480137	0.0443
R-squared	84.84001	Mean dependent var		0.211739
Adjusted R-squared	83.98002	S.D. dependent var		0.683718
S.E. of regression	0.530487	Akaike info criterion		1.931651
Sum squared resid	3.376994	Schwarz criterion		2.073261
Log likelihood	-11.48738	Hannan-Quinn criter.		1.930143
F-statistic	5.62794	Durbin-Watson stat		1.898812
Dependent Variable: $D[\ln(X_1^{XV}), 2]$				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
C	0.277369	0.059098	4.69337372	0.0554
AR(1)	0.465607	0.141637	3.28732605	0.0223
MA(1)	-0.784546	0.082217	-9.5423817	0.0241
R-squared	82.9008	Mean dependent var		0.248795
Adjusted R-squared	80.96465	S.D. dependent var		0.906893
S.E. of regression	0.862042	Akaike info criterion		2.888625
Sum squared resid	8.174286	Schwarz criterion		3.077439
Log likelihood	-17.66469	Hannan-Quinn criter.		2.886614
F-statistic	1.498232	Durbin-Watson stat		1.993166

Мазкур моделларнинг детерминация коэффицентлари, стандарт хатоликлари, F-Фишер, t-Стюдентъ, Акаике, Шварц мезонлари кўрсаткичлари ҳосил қилинган моделларнинг барчасини статистик жиҳатдан аҳамиятли ва адекватлигини ифодалади.

Юқорида шакллантирилган моделлардан, олиб борилган ҳисоб-китоб натижалари Хоразм вилояти туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини прогнозлашда тўлиқ фойдаланиш мумкинлигини асослайди.

Хоразм вилоятининг туризм соҳасининг асосий кўрсаткичларини 2022-2026 йилларга мўлжалланган прогноз қийматлари 9-10 жадвалларда келтирилган.

9-жадвал**ARIMA (0, 1, 1) кўринишига эга бўлган модели асосида
Хоразм вилоятида туристик хизматлар ҳажмининг прогноз
кўрсаткичлари²²**

Йиллар	Прогноз қийматлари (млн.сўм)	Стандарт хатолик	95% ишонч оралиғи	Олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати (%да)
2022	53721,08	2,04	(53717; 53725)	127
2023	67184,18	2,14	(67179; 67188)	124
2024	84021,28	2,25	(84016; 84025)	125
2025	105077,94	2,37	(105073; 105082)	126
2026	131411,63	2,50	(131406; 131416)	125

9-жадвалда келтирилган прогноз натижаларига кўра Хоразм вилоятида туристик хизматлар ҳажми 2026 йилга 131411,63 миллиард сўмни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 4,1 баробарга ошиши кузатиш мумкин.

10-жадвал**ARIMA (1, 2, 1) кўринишига эга бўлган модели асосида
Хоразм вилоятида туристлар оқимининг прогноз кўрсаткичлари²³**

Йиллар	Прогноз қийматлари	Стандарт хатолик	95% ишонч оралиғи	Олдинги йилга нисбатан ўсиш суръати (%да)
2022	1739775	2.48	(1739770; 1739770)	134
2023	2315470	2.86	(2315464; 2315475)	133
2024	3067717	3.05	(3067711; 3067723)	132
2025	4055778	3.19	(4055771; 4055784)	132
2026	5356807	3.31	(5356800; 5356813)	132

9-жадвалда келтирилган прогноз натижаларига кўра Хоразм вилоятига ташриф буюрадиган туристлар сони 2026 йилга бориб, 5356807 нафарни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 4,1 баробарга ошиши кузатиш мумкин.

²² Манба: муаллиф ишланмаси.

²³ Манба: муаллиф ишланмаси.

ХУЛОСА

Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методологик йўналишларини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Замонавий инновацион ёндошувлар асосида туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, туризмни оптимал бошқаришнинг ташкилий тизимини яратиш, минтақада туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида ички ва хорижий сармояларни йўналтириш, туризм соҳасига рақамли иқтисодиёт, блокчейн технологияларини қўллаш, туризмни ривожлантиришда халқаро ва маҳаллий лойиҳаларни жорий қилишга қаратилган Оролбўйи минтақасига хос бўлган туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари таклиф қилинди.

2. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси ҳамда “Оролбўйи - экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди” концепциясида белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ, Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган.

3. Оролбўйи минтақасида туризм соҳасини ривожлантириш кўрсаткичлари жумладан, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони, туроператорлар сони, туристик синфга мансуб автотранспортлар сони, гид-экскурсоводлар сони, ташриф буюрган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони, хорижий ва маҳаллий сайёҳларга кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 2015-2021 йиллардаги ўзгариш динамикаси таҳлил қилинди.

4. Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантириш учун мавжуд имкониятларни тизимли равишда таҳлил қилишни талаб қилади. Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришни тизимли таҳлил қилишнинг мавжуд муаммоларни аниқлаш, долзарблигини баҳолаш, шакллантириш, келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш, мақсадга эришиш даражасини баҳоловчи кўрсаткичларни, мезонларни, бошқарув тизимидаги ўзгаришларни аниқлаш, энг яхши муқобил вариантларни танлаш, амалга ошириш, амалга ошириш натижаларини баҳолаш каби босқичларни ўз ичига олиши асосланди;

5. Оролбўйи минтақасининг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларининг туристик жозибадорлигини ошириш ҳамда туризм соҳасига хусусий секторни кенг жалб қилишда келишув расмиятчилиги, аниқ мақсадлар белгиланиши, ташкилий тузилма, лидерлик, мослашувчанлик, ижтимоий тармоқлар ва ҳамкорлик самарадорлиги каби таъсир қилувчи муҳим омилларни ҳисобга олиб, давлат-хусусий шерикчиликнинг концептуал модели таклиф қилинди. ДХШнинг мазкур концептуал модели асосида Оролбўйи минтақасида туризм йўналишлари бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

6. Оролбўйи минтақасида туризм индустриясига ахборот ва инновацион технологияларни тадбиқ этиш, туризм хизматлари бозорида ўзаро тажриба

алмашишда **“ахборот бўшлиқлар”и (information gaps)**ни камайтиришни таъминловчи Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти сайёҳлик ташкилотларининг виртуал ассоциациясини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

7. Қишлоқ туризми кластерининг ядро, шериклик ва ҳамкорлик даражаларини қамраб оладиган Оролбўйи минтақасига мос кўп тармоқли универсал модели такомиллаштирилган. Қишлоқ туризми кластерининг кўп тармоқли универсал модели асосида Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида **“Гулдурсин”** қишлоқ туристик кластери ва Хоразм вилоятининг Хива туманида **“Хива-Говук”** қишлоқ туристик кластерларини ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

8. Оролбўйи минтақаси туристик корхоналарининг бозордаги ўрнини яхшилаш, муваффақиятли савдо имкониятларига таъсир этувчи экостандартларга мослашиш, атроф-муҳитга нисбатан дўстона муносабатни амалга ошириш омиллари таҳлил қилинди. Оролбўйи минтақаси туристик корхоналарининг атроф-муҳитга иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан фойдали бўладиган фаолиятини шакллантирадиган бошқарув тизимини экологик омилларни кўшиб интеграциялашган модели такомиллаштирилган.

9. Оролбўйи минтақасига ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг оқимини кўпайтиришнинг устувор йўналишларидан бири таклиф қилинаётган туристик маҳсулотларнинг диверсификациялашувини амалга ошириш ҳисобланади. Ушбу мақсадни амалга оширишда **“Қуйи Амударё давлат биосфера резервати”** ва **“Хоразм миллий табиат боғи”**ларида экологик жиҳатдан тоза санитария гигиена шаҳобчалари, гастрономик туризмни шакллантирувчи овқатланиш корхоналари, дам олиш боғлари, сувенир дўконлари, ҳайвонот боғлари, табиат музейлари инфратузилмаларини ўз ичига олган **“Badaytoqay EcoRing”** ва **“Khorezm EcoRing”** экотуризм халқаларини ташкил қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди.

10. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган ёши 2500-3000 йилга тенг бўлган тарихий қалъаларга ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар кундан кунга ошиб бормоқда. Маҳаллий турфирмалар ва сайёҳлар билан бўлган мулоқатлар чоғида қайд қилиб ўтилган тарихий қалъаларнинг жозибадорлигини smart технологияларни жорий қилиш асосида ошириш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

11. Қорақалпоғистон Республикасининг **“Аёзқалъа”, “Тупроққалъа”, “Гулдурсунқалъа”, “Жанбас қалъа”, “Қирққизқалъа”** ҳамда Хоразм вилоятининг **“Сулаймон қалъа”, “Қалажиқ қалъа”, “Ичан қалъа”, “Кат қалъа”** каби археологик туризм объектларини ўз ичига олган **“Қадимий Хоразм пойтахтларининг олтин ҳалқаси”** туристик маршрутини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

12. Давлат, хусусий сектор ва университет ўртасидаги уч томонлама (Triple Helix) ҳамкорликка асосланган моделга мувофиқ, экспертлар билан ўтказилган сўровлар натижасида Оролбўйи минтақасининг туристик имиджи жозибадорлигини ошириш стратегиясини ижтимоий медиа тармоқларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқиш йўллари кўрсатиб берилган. Минтақанинг

туристик имиджини шакллантириш стратегиясини амалга оширилиши натижасида ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони ортиб, туристик хизматлар ҳажми кўпаяди ҳамда соҳада янги ишчи ўринларини яратилади.

13. Оролбўйи минтақаси туризми соҳасида мавжуд рақобатбардошликни ошириш ҳамда янги рақобат устунлигини яратиш мақсадида минтақавий сиёсатни амалга ошириш босқичлари доирасида туристик маҳсулотларни диверсификация қилишни самарали бошқариш ва ташкилий механизмларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этиши асосланди. Таклиф қилинган туристик маҳсулотларни диверсификация қилишнинг ташкилий бошқарув модели асосида Оролбўйи минтақасида туризмнинг алоҳида муайян бир турини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш мумкинлиги асосланди;

14. Оролбўйи минтақасида туристик хизматлар ҳажми, ташриф буюрган туристлар сони, жойлаштириш воситалари сони, туроператорлар сони, гид-таржимонлар сони кўп омилли эконометрик таҳлил усуллари асосида 2026 йилгача бўлган ўрта муддатли прогнозлаш параметрлари ишлаб чиқилган.

Юқорида келтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Оролбўйи минтақасида туризмни ташкилий-иқтисодий ва методологик йўналишларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD03/28.08.2020.I.55.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УРГЕНЧСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАТЯКУБОВ УМИДЖОН РАХИМОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ И
МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ НАПРАВЛЕНИЙ РАЗВИТИЯ ТУРИЗМА В
РЕГИОНЕ ПРИАРАЛЬЯ**

08.00.17 – Туризм и гостиничное дело

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора наук (DSc) по экономическим наукам**

Ургенч - 2022

Тема диссертации доктора наук (DSc) в зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.2.DSc/Iqt211

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Ученого совета (www.urdu.uz) и на информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:

Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Наврўз-зода Бахтиёр Негматович
доктор экономических наук, профессор

Тухлиев Искандар Суюнович
доктор экономических наук, профессор

Эштаев Алишер Абдуганиевич
доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация:

**Ташкентский государственный
экономический университет**

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета PhD.03/28.08.2020. I. № 55.03 при Ургенчском государственном университете «___» _____ 2021 года в ___ часов. Адрес: 220100, г.Ургенч, ул. Хамида Олимжона, 14. Тел.: (99862) 224-67-00; электронная почта: info@urdu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ургенчского государственного университета (зарегистрировано под номером _____). Адрес: 220100, г. Ургенч, ул. Хамида Олимжона, 14. Тел.: (99862) 224-67-00; электронная почта: info@urdu.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2022 года
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2022 года).

И.С. Абдуллаев,
Председатель разового научного совета на
основе научного совета по присуждению
ученых степеней, д.э.н., профессор

Ш.Б. Рузметов,
Ученый секретарь разового научного совета
на основе научного совета по присуждению
ученых степеней, к.э.н., доцент.

Б. Рузметов,
Председатель научного семинара при разовом
совете на основе научном совете по
присуждению ученых степеней, д.э.н.,
профессор.

Введение (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность темы диссертации. Мировой туристический сектор является одним из высокорентабельных секторов экономики и занимает важное место в укреплении международных общественно-политических и культурных связей. Особенно в то время, когда нынешние процессы глобализации углубляются, туризм обеспечит увеличение валютных поступлений и повышение уровня занятости населения. По итогам 2021 года “услуги, предоставляемые в сфере туризма, на долю которых пришлось 6,1% мирового ВВП, достигли 1,1 трлн долларов США, а также количество занятых в отрасли составило 289 млн человек, а одно из 11 рабочих мест принадлежит туризму”²⁴. В условиях инновационной экономики развитие сферы туризма как отрасли не только экономического, но и социального значения остается актуальной проблемой.

В условиях глобализации в мире проводится ряд научных исследований с целью выявления особенностей и тенденций развития индустрии туризма, обеспечения устойчивого развития отрасли в экономическом, социальном и экологическом плане, а также эффективного использования потенциала туристических регионов на основе современных подходов. В связи с этим особое внимание уделяется научным исследованиям, таким как разработка организационно-экономических направлений и методических подходов к развитию туристического сектора в регионах, совершенствование деятельности туристских организаций на рынке туристических услуг, формирование сельских туристских кластеров в эффективной организации агроэтносельского туризма, определение приоритетов для развития экологического туризма в природных зонах, эффективное использование инноваций в развитии туристических маршрутов, а также прогнозирование показателей туристической отрасли региона с использованием многофакторных эконометрических моделей.

В стратегии развития нового Узбекистана в качестве главной цели определено стремительное развитие туризма как приоритетной отрасли экономики страны. В 2022 году в качестве важных задач были выдвинуты развитие экотуризма в Республике Каракалпакстан и Приаралье, а также принятие отдельной программы для туризма в Хорезмской области, которая должна стать основным движущим сектором в создании новых рабочих мест²⁵. Эффективная реализация этих задач заключается в совершенствовании организационно-экономических и методических направлений развития туризма в регионе Приаралья, создании виртуальной ассоциации туристических организаций на рынке туристических услуг, разработке мультидисциплинарной универсальной модели организации сельских туристических кластеров с целью развития археологического, этнографического и агротуризма, организации маршрутов экотуризма на охраняемых природных территориях, разработке предложений по развитию умного археологического туризма на основе древних замков, многофакторного эконометрического моделирования и прогнозирования

²⁴Источник: [Travel & Tourism Economic Impact | World Travel & Tourism Council \(WTTC\)](#)

²⁵Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

показателей туризма.

Данное диссертационное исследование служит в определенной мере реализации задач, поставленных в таких нормативно-правовых документах, как Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 “О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы, Указ Президента Республики Узбекистан, от 02.12.2016 г. № УП-4861 “О мерах по обеспечению ускоренного развития туристской отрасли Республики Узбекистан”, Постановление Президента Республики Узбекистан, от 18.01.2017 г. № ПП-2731 “О государственной программе по развитию региона Приаралья на 2017 — 2021 годы”, Постановление Президента Республики Узбекистан, от 04.05.2017 г. № ПП-2953 “О программе комплексного развития туристского потенциала города Хивы и Хорезмской области на 2017 — 2021 годы”, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 16.01.2019 г. № 37 “О мерах по комплексному социально-экономическому развитию Муйнакского района Республики Каракалпакстан”, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 13.02.2019 г. № 119 “ О дополнительных мерах по развития сферы туризма в Хорезмской области 2019-2020 годах”, Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 14.06.2021 г. № 369 “О мерах по дальнейшему развитию туристического потенциала Хорезмской области в 2021-2022 годах” и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий I. "Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики".

Обзор зарубежных исследований по теме диссертации²⁶. Научные исследования, направленные на совершенствование организационно-экономических, инновационных и методологических направлений развития сферы туризма, осуществляют такие престижные мировые научные центры и высшие учебные, как Гарвардский университет, Университет Пердью, Международный университет Флориды (США), Университет Суррея, Университет Борнмута (Великобритания), Университет Лас-Пальмас-де-Гран-Канария (Испания), Университет Падуи, Университет Флоренции (Италия), Университет Квинсленда (Австралия), Московский государственный университет им. М.Б.Ломоносова, Российский экономический университет им. Г.В.Плеханова (Россия), Ташкентский Государственный экономический университет, Международный Университет туризма Шелкового пути, Самаркандский институт экономики и сервиса, Бухарский государственный

²⁶ Обзор зарубежных исследований по теме диссертации освещается на основе веб-страниц Гарвардского университета, Университета Пердью, Международного университета Флориды (США), Университета Суррея, Университета Борнмута (Великобритания), Университета Лас-Пальмас-де-Гран-Канария (Испания), Университета Падуи, Университета Флоренции (Италия), Университета Квинсленда (Австралия), Московского государственного университета им. М.Б.Ломоносова, Российского экономического университета им. Г.В.Плеханова (Россия), Ташкентского Государственного экономического университета, Международного Университета туризма Шелкового пути, Самаркандского института экономики и сервиса, Бухарского государственного университета, Ургенчский государственного университета других источников.

университет, Ургенчский государственный университет (Республика Узбекистан)

В результате мирового исследования по совершенствованию организационно-экономических и методологических направлений развития туристического сектора были получены следующие научные результаты: в условиях глобализации улучшено организационно-экономическая и экологическая система формирования инновационной инфраструктуры в развитии туризма в регионах (Университет Пердью, Международный университет Флориды, США); разработаны научные рекомендации по совершенствованию организационно-управленческой деятельности, связанной с внедрением инноваций в сфере туризма и цифровизацией отрасли (Университет Суррея, Университет Борнмута, Великобритания); усовершенствована методология формирования сельских туристических кластеров на основе мультидисциплинарной универсальной модели (Падуанский университет, университет Флоренции, Италия); инфраструктура туризма была улучшена на основе механизмов государственно-частного партнерства (Московский государственный университет им. М.В.Ломоносова, Российский экономический университет им. Г.В. Плеханова, Россия); в целях улучшения интеграции развития туристического сектора были разработаны механизмы диверсификации туристических продуктов (Ташкентский государственный экономический университет, Самаркандский институт экономики и сервиса, Узбекистан).

В целях совершенствования организационно-экономических и методических направлений развития индустрии туризма в мире, в том числе проводятся следующие научные исследования: разработаны оптимальные методы увеличения потока туристов за счет инновационного развития туризма (Ургенчский государственный университет, Узбекистан) и др.

Степень изученности проблемы. В зарубежных странах проведен ряд научно-исследовательских работ по совершенствованию организационно-экономических и методологических направлений устойчивого развития сферы туризма. В частности, большое значение имеют научные исследования таких ученых, как Л. Дуайер, П. Форсайт, А. Папатеодору, М. Касым, Х. Айдын, С. Майкл Холл, Д. Лезли, А. Матиас, П. Никамп, М. Сарменто, Д. Бухалис, М. Зог, Х. Кети, У.Гартнер²⁷.

В научных исследованиях вышеуказанных ученых были научно и теоретически изучены организационно-экономические и методологические направления развития туризма.

